

Кичик саноат зоналарида инвестицион фаолликни оширишнинг хориж тажрибалари ва улардан фойдаланиш имкониятлари

Шахноза Элшодовна Маннапова

shaxnozamannapova85@mail.ru

Тошкент давлат иқтисодиёт универстети

Аннотация: Мақолада инвестицион фаолликни оширишнинг хориж тажрибалари ва улардан фойдаланиш имкониятлари тадқиқ этилган. Инвестицион фаолликни оширишнинг долзарб аҳамияти ҳудуднинг саноат салоҳияти афзалликлари ва хусусиятларидан тўлиқ фойдаланишга йўналтирилганлиги ёритилган. Саноат зоналарида инвестицион фаолликни оширишнинг Хитой тажрибасида ҳар бир миңтақанинг иқтисодий салоҳиятини ҳисобга олган асосий жиҳатларни ажратиб кўрсатилган.

Калит сўзлар: кичик саноат зоналари, инвестиция дастури, инвестицион лойиха, инвестицион фаоллик, консалтинг, эмиссия, инвестицион салоҳият, инвестиция муҳити, инвестицион ресурс

Foreign experiences of increasing investment activity in small industrial zones and opportunities for their use

Shakhnoza Elshodovna Mannapova

shakhnozamannapova85@mail.ru

Tashkent State University of Economics

Abstract: The article examines foreign experiences of increasing investment activity and the possibilities of their use. The urgent importance of increasing investment activity is focused on the full use of the advantages and characteristics of the industrial potential of the region. In the Chinese experience of increasing investment activity in industrial zones, the main aspects that take into account the economic potential of each region are highlighted.

Keywords: small industrial zones, investment program, investment project, investment activity, consulting, emission, investment potential, investment environment, investment resource

Иқтисодий жиҳатдан тараққий топган давлатларда ишлаб чиқариш ва молиявий фаолиятни оптималлаштиришнинг асосий жиҳатлари жаҳон

иқтисодиётидаги чуқур интеграцион жараёнларни таъқозо этади. Шу сабабли, дунёнинг етакчи мамлакатлари иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни ташкил этишга асосланган, илмий-техникавий, технологик ва ижтимоий салоҳиятни ривожлантиришга хисса қўшадиган истиқболли иқтисодий ривожланиш жараёнларини қайд этадиган қатор вазифаларнинг амалий ижросини таъминлаш талаб этилади.

Очиқ иқтисодиёт ва бозор механизмининг самарадорлигига асосланган иқтисодий ривожланиш жараёнлари; мамлакатга янги техник-технологик ва инновацион ресурсларни жалб қилишнинг асосий шакли ҳисобланган саноат зоналари фаолиятига устуворлик беришга сабаб бўлмоқда. Айни пайтда дунёда саноат зоналарининг умумий сони 1200 дан ошган бўлиб, статистик маълумотларга кўра бу кўрсаткич ҳар йили 7 фоизга қўшимча ўсиш суръатини қайд этмоқда¹.

Америка Қўшма Штатлари, Япония, Жанубий Корея, Евropa Иттифоқига аъзо давлатларда “маҳсус маъмурий минтақанинг очилиши” деб номланган устувор иқтисодий сиёsat амалга оширилаётган бўлиб, бу сиёsat мамлакатларнинг ташқи алоқалар тизимини ислоҳ қилишни барча даражалари билан боғлиқ бошқарувни такомиллаштиришга, экспорт маҳсулотлари таркибини оптималлаштиришга, чет эл инвестицияларини, шу жумладан чет эл кредитларини жалб қилишга, иқтисодий фаолиятнинг қўшма шаклларини ривожлантиришга, хусусий шериклик ва илмий-техникавий ҳамкорликни ривожлантиришга йўналтирилган устувор тамойилларга асосланади.

Саноат зоналарида инвестицион фаолликни оширишнинг хориж тажрибаларида Хитой иқтисодиёти алоҳида аҳамиятга эга. Мазкур ҳолат Хитойнинг иқтисодий ривожланиш суръатларида муҳим ўрин эгаллайди. Хитойда сўнгги ўн йил ичida чет эл инвестициялари оқимини рағбатлантиришга йўналтирилган ҳукумат сиёсати натижасида ривожланган мамлакатларга нисбатан йўналтирилган жами инвестицияларни тахминан 25 фоизини назорат қилмоқда².

Хитой ташқи алоқалар тизимини ислоҳ қилишнинг барча даражалари бошқарувни такомиллаштиришга, экспорт маҳсулотлари таркибини оптималлаштиришга, чет эл инвестицияларини, шу жумладан чет эл кредитларини жалб қилишга, иқтисодий фаолиятнинг қўшма шаклларини ривожлантиришга, хусусий шериклик ва илмий-техникавий ҳамкорликка асосланади.

Бугунги кунда Хитой Xалқ Республикасида умумий майдонининг атиги 0,62 фоизини эгаллаган 6 та Маҳсус саноат зоналари мамлакатнинг ялпи ички

¹ Ван Чао, Полоник С.С. Современная экономика Китая. Белорусский государственный университет. Монография. – Минск: Право и экономика, 2016. – 40 с.

² Foreign direct investments in China: some lessons for other countries // IME policy discussion paper /international monetary fund. – Washington D.C., 2020

маҳсулотининг 6,04 фоизини ишлаб чиқаради, шунингдек бюджет даромадларининг 7 фоизини ва мамлакат ташки савдо ҳажмининг 18,57 фоизини ташкил этади³.

Хитойда Махсус саноат зоналарининг резидент корхоналари даромад солиғи бўйича имтиёзли ставка ва беш йиллик иқтисодий фаолият учун соликлардан қисман озод қилинган. Хитой Халқ Республикаси Махсус саноат зоналарининг солик қонунчилигига мувофиқ: резидентларнинг фаолиятига 2 йил давомида солик солинмайди, кейинги 3 йил учун соликка тортиш солик ставкасининг 50 фоизини ташкил этади. Хитой хукумати саноат зоналарининг экспортга йўналтирилган фаолияти учун алоҳида сармоялар жалб этиб боради. Шунингдек, худудларда устувор тармоқлар фаолиятини ривожлантириш, корхоналар фаолиятини модернизация қилиш ва хом ашё сотиб олиш учун субсидиялар ажратади. Мақсадли молиялаштиришга йўналтирилган дастурлар орқали Хитой экспорт қилинадиган товарлар сифати ва микдорини такомиллаштириб боради. Саноат зоналарида чет эллик инвесторлар томонидан 25 фоиздан кўпроқ назорат остида бўлган корхоналардаги улуш учун махсус имтиёзлар ва Хитой Марказий банки томонидан ажратилинаётган кредитлардан фойдаланиш имконияти берилади⁴.

Хитой саноат зоналарида инвестицион фаолликни оширишнинг долзарб аҳамияти худуднинг саноат салоҳияти афзалликлари ва хусусиятларидан тўлиқ фойдаланишга йўналтирилганлиги билан характерланади. Шунингдек, худудларда ихтисослаштирилган саноат зоналари инновацион инфратузилмаларни шакллантириш ва савдо - воситачилик хизматларини трансчегаравий ҳаракатини амалга оширишни таъминлайдиган чора - тадбирларни ўзида акс этади.

Хитой корхоналарига юқори технологияли саноатни ривожлантириш зоналарига кириш ва потенциал бизнес шериклари билан алоқаларни таъминлашда алоҳида аҳамият берилган бўлиб, бу борадаги дастлабки ислоҳотлар 1988 йилда Чжунгуансунда (Пекин) биринчи давлат даражасидаги юқори технологияли саноатни ривожлантириш зоналарини ташкил этиш билан бошланади.

1-жадвал

Хитойнинг давлат даражасидаги юқори технологияли саноатни ривожлантириш зоналари (ЮТСРЗ)⁵

Вилоят	ЮТСРЗ	Вилоят	ЮТСРЗ
Бејінг	Зҳонггуансун	Анхуи	Хефей

³ https://www.bis.org/author/the_people's_bank_of_china.htm

⁴https://www.bis.org/author/the_people's_bank_of_china.htm

⁵Douglas Zhihua Zeng. China's Special Economic Zones and Industrial Clusters: Success and Challenges. The findings and conclusions of this Working Paper reflect the views of the author(s) and have not been subject to a detailed review by the staff of the Lincoln Institute of Land Policy. <https://www.lincolninst.edu/sites/default/files/>

Фужиан	Фузҳоу	Чонгкинг	Чонгқинг
Гуандонг	Хиамен Торч	Гансу	Ланзҳоу
Хайнан	Фошан	Гуангхи	Гуилин
Ҳәбей	Гуангҳоу	Гуизҳоу	Наннинг
Жиангсу	Хуизҳоу Ҳонгқаи Шензхен	Ҳеилонгжианг	Гуиянг
Шандонг	Зҳонгшан Торч Зхуҳаи	Ҳенан	Дақинг
Шандонг	Ҳайнан Интернатионал (ин Ҳайкоу)	Ҳубеи	Ҳарбин
Тианжин	Баодинг	Хунан	Луоянг
Зҳежианг	Шижиазхуанг	Иннер Монголия	Зҳенгҳоу
		Жиангхии	Нанчанг
		Жилин	Чангчун Жилин
		Лиаонинг	Аншан Далиан Шенянг
		Нингхия	-
		Қингҳаи	-
		Шаанхи	Баожи Хиъан
			Янглинг
			Агрисултуре (ин Хиъан)
		Шанхи	Таиюан
		Сичуан	Ченгду Мианянг
		Тибет	-
		Хинжианг	Урумчи
		Юннан	Кунминг

Бугунги кунга келиб, Хитойда 54 та давлат даражасидаги юқори технологияли саноатни ривожлантириш зоналари мавжуд - қирғоқ бўйида 25 та, ички худудларда 29 та мавжуд. Хитойнинг юқори технологияли саноатини тарғиб қилишда муҳим роль ўйнаган бўлишига қарамай, уларнинг кўрсаткичлари бир-биридан фарқ қиласди⁶.

Юқори технологияли саноатни ривожлантириш зоналарида хорижий капиталга нисбатан мослашувчан сиёsat олиб борилади уни рағбатлантириш чоралари орқали капиталнинг худудий ва тармоқ тақсимотига таъсир кўрсатишга йўналтирилган иқтисодий рағбатлантириш ва рағбатлантириш воситаларидан фаол фойдаланишга ҳаракат қилинади.

Хулоса

Саноат зоналарида инвестицион фаолликни оширишнинг Хитой тажрибасида ҳар бир минтақанинг иқтисодий салоҳиятини ҳисобга олган З асосий жиҳатларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

биринчидан, саноат зоналари чет эл инвестицияларининг барқарор ўсиш суръатларини таъминлаб беради, инвесторлар томонидан киритилган маблағлар Хитой худудидан тайёр маҳсулот сифатида экспорт қилинади, унинг нархига

⁶ Douglas Zhihua Zeng. China's Special Economic Zones and Industrial Clusters: Success and Challenges. The findings and conclusions of this Working Paper reflect the views of the author(s) and have not been subject to a detailed review by the staff of the Lincoln Institute of Land Policy. https://www.lincolninst.edu/sites/default/files/pubfiles/2261_1600_Zeng_WP13DZ1.pdf

ишлиб чиқарувчи томонидан тўланадиган барча солиқлар ва тўловлар киритилади. Инвестиция қилинган маблағлар корхоналарнинг ишилб чиқариш қувватларини яхшилашга, инсон капиталини ривожлан-тиришга, илгор корхоналарни жалб қилиш муаммосини ҳал қилишга имкон беради;

иккинчидан, саноат зоналарига йўналтирилган чет эл инвестициялари, технологиялар ва уларни тегишли тармоқларга қўшилишини рафбатлан-тиради. Бу ўз навбатида, мамлакатнинг инвестицион жозибадорлигини оширишга ва рақобатни ривожлантириш орқали инвестициялардан самарали фойдаланиш қобилиятига таъсир кўрсатадиган давлат иқтисодий сиёсатининг маҳсус тадбирларини амалга оширишни талаб этади;

учинчидан, саноат зоналарини шакллантириш жараёни иқтисодиётни модернизация қилиш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишларига асосланган бўлиб, бу борадаги устуворликлар хорижий инвестицияларни жалб қилишга доир маҳсус қонунчилик тизимида ўз аксини топган. Шунингдек, қонунчиликка мувофиқ саноат зоналари учун солиқка тортиш, банк соҳасини оптималлаштириш, божхона расмийлаштируви ва тартибга солиш тизимини соддалаштириш билан боғлиқ бошқа муҳим масалаларга алоҳида эътибор қаратилинган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Воронова Т.А. Инвестиционная активность в стратегии экономического роста (методологические аспекты). Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук. М., 2004. 17 с.
2. Климова Н.И. Научные основы инвестиционного обеспечения регионального развития тема диссертации и автореферата по ВАК РФ 08.00.04, ISSN 2181-0842 / Impact Factor 4.182 502 "Science and Education" Scientific Journal / www.openscience.uz April 2024 / Volume 5 Issue 4 доктор экономических наук. Н.И.Климова.-Екатеринбург, 1999. 17 с
3. Viviani, J.L, & Maurel, C. (2019). Performance of impact investing: A value creation approach. Research in International Business and Finance, 47, 3139.doi.org/10.1016/j.ribaf.2018.01.001 https://meiji.elsevierpure. com/en/publications/ performance-of-impact-investing-a-value-creation-approach
4. Sh.Mannapova. Classification of factors for increasing the investment activity of small industrial zones.American journal of research in humanities and social sciences. March 2023,ISSN:2832-8019
5. Allayarov, S. A. (2020). Strengthening tax discipline in the tax security system: Features and current problems. South Asian Journal of Marketing & Management Research, 10(11), 124-128.